

Маиший, қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни махсус полигонга ташиб чиқариш хизматини кўрсатиш тўғрисида

ШАРТНОМА № 60

“05” “01” 2022 йил

Шахрихон туман

Амалдаги Низомига асосланиб фаолият олиб бораётган Шахрихон туман «Тоза Худуд» ДУК номидан иш юритувчи филиал рахбари Ё.Адилов. (бундан буён матнда «Бажарувчи» деб юритилади) бир томондан, номидан Низом асосида иш юритувчи КЭМК В рахбари Тоджаматов А (бундан буён матнда «Буюртмачи» деб номланади) иккинчи томондан мазкур шартномани куйидаги мазмунда туздилар.

1 ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1 “Буюртмачи” нинг буюртмасига кўра, унинг худудидаги чиқиндихонадан каттиқ маиший чиқиндиларни махсус полигонга ташиб чиқариш учун “Бажарувчига” га буюртма беради. “Бажарувчи” томонидан буюртма асосида каттиқ, суюқ чиқиндиларни олиб чиқиб ташлаш мажбурияти олинади. “Буюртмачи” билан “Бажарувчи” ўртасида тузилган мазкур шартномага кўра, бажарилиши лозим бўлган ишларни тегишли меъёрий хужжатлар ва нормативлар асосида кўрсатилган хизмат учун “Буюртмачи” ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ ВА ЎЗАРО ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

№	Бажариладиган ишлар хақида	Улчов бирлиги	Микдори	Контейнер ва Контейнерсиз	Нархи	Сумма
1	<u>маиший каттиқ чиқинди объектлари 1 м3</u>	<u>1 м3</u>	<u>6 куб</u>	<u>контейнер</u>	<u>36600</u>	<u>216000</u>
	Жами:				<u>4113</u>	<u>216000</u>

Шартноманинг бахоси (шартноманинг ажралмас қисми бўлган “Санитария қоидалари ва меёрлари”га кўра белгиланиб шартнома илова қилинади) хар бир м3 каттиқ маиший чиқинди учун 36600 (ҚҚС билан) сўми, хар бир суюқ м3 чиқинди учун 59000 (ҚҚС билан) сўми ташкил қилади ва шартноманинг умумий бахоси 216000 (шунинг ичун олти миш) сўми ташкил этади.

2.1. Чиқиндихонадан чиқиндиларни ташиб чиқариш юзасидан кўрсатилган хизматлар ҳаққи белгиланган тартибда тасдиқланган “Санитария қоидалари ва меёрлари”га асосан ҳисобланади.

2.2. “Буюртмачи” шартномадаги умумий сумманинг 15% ни олдиндан тўловни амалга оширади.

2.3. Томонлар мунтазам равишда дебиторлик ва кредиторлик қарзлар юзасидан ўзаро ҳисоб-китобларни таҳлил қилиб, аниқланган қарздорликни ундириш чораларни кўриб боради.

2.4. “Бажарувчи” “Буюртмачи” билан келишган ҳолда белгиланган жадвал асосида махсус чиқинди ташиш автомашинаси ўз муддатида юборилишини таъминлайди.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 “Буюртмачи” нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1 Чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига экологик нормативларга риоя этилишини таъминлайди.

3.1.2 Чиқиндиларни руҳсат этилмаган жойларда ёки объектларда сақланиши, қайта ишланиши, утилизация қилиниши ва кўмиб ташланишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

3.1.3. Чиқиндилар жойлаштирилган объектларнинг санитария ва экология ҳолати устидан назорат олиб боради.

3.1.4. Ўзи жойлашган худудидаги чиқинди тўкиш учун белгиланган жой (чиқинди ташлаш шахобчаси) га атрофидаги маиший чиқиндиларни ўзини кучи билан мунтазам равишда ташиб келтиришни таъминлайди.

**3.1.5** Чикиндиларни юклаш ва ташиш “Буюртмачи” томонидан амалга оширилса 1 МЗ учун тариф суммасини 75% миқдорида “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига утказиб беради.

**3.1.6.** Курилиш натижасида ва йирик ҳажмда йиғилган чикиндиларни ўз ҳудудидан ташиб кет учун алоҳида ҳақ эвазига, шартномага Қўшимча келишув киритиб, ҳисоб китоб ишларини амалга оширади.

**3.1.7.** Барча турдаги чикиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилади. Чикиндиларни ташиш бўйича тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда “Бажарувчи” га зудлик билан ёзма хабар беради.

**3.1.8.** Кўрсатилган хизматлар ҳамда бажарилган ишлар учун шартномада белгиланган тартибда, муддатда ва миқдорида хизмат кўрсатувчига олдиндан бўнак (аванс) тўловларини амалга оширади ҳамда якуний ҳисоб-китобларни амалга оширади.

### **3.2. “Бажарувчи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**

**3.2.1.** “Бажарувчи” маиший чикиндиларни ўз траспорти ва кучи билан чикинди ташлаш шахобчаларидан ташиб чиқариш ва махсус чикиндихоналарга жойлаштиради. Чикиндиларни ташиш бўйича тасдиқланган йўналиш жадвали ўзгарган ҳолларда “Буюртмачи” га 24 соат аввал хабар беради.

**3.2.2.** Чикиндиларни ўз вақтида ташиб чиқарилишини таъминлайди.

**3.2.3.** Кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган тартибда бўнак (аванс) пулларини қабул қилади ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширади.

## **4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

**4.1** Томонлардан бири шартнома шартлари ва мажбуриятларини ўз муддатида ёки лозим даражада бажармаса, бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарани тўлайди. “Бажарувчи” “Буюртмачи” га шартнома мажбуриятлари бажармаган қисмининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди, Тўланадиган пеня миқдори шартнома умумий суммасининг 50% ортмаслиги керак.

**4.2** Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% ортмаслиги керак.

## **5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

**5.1.** Томонлар ўртасида вужудга келадиган баҳслар келишув асосида хал этилади. Агар келишувга эришолмаган тақдирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки Иқтисодий суд орқали хал этилади.

## **6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ОГОҲЛАНТИРИШ**

**6.1.** Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши қонунчиликка риоя қилишни, улар, уларнинг ходимлари, афилланган шахслари, бенефициарлари ва бизнес ҳамкорлари, воситачилар, пудратчилар ёки ушбу шартномани бажариш учун бириктирилган вакиллар томонидан порахўрлик, пора бериш ёки воситачилик қилиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимини коррупция ҳаракатларига ундаш ва қонунчиликда назарда тутилган коррупция сифатида баҳоланадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширмаслигини таъминлайдилар.

**6.2.** Томонлар бир бирларига тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали, асоссиз устунлик ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун пул маблағи, қимматбаҳо буюмлар, мулк ва мулкый ҳуқуқлар ёки бошқа турдаги моддий манфаатларни ваъда бериш, бериш, илтимос қилиш, талаб қилиш, олишга рози бўлиш, олиш, мансабдор шахсларнинг таъсир ўтказишига эришиш, шу жумладан Томонлар муносабатларининг ошқоралик тамойилларига мос келмайдиган бошқа ҳаракатлардан тийиладилар.

**6.3.** Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги бўйича тегишли чора кўришни қафолатлайди. Томонлар, уларнинг ходимлари, кафилланган шахслари, бенефициарлари ва бизнес ҳамкорлари, воситачилар, пудратчилар ёки ушбу шартномани бажариш учун бириктирилган вакилларидан юқорида таъкидланган ноқонуний хатти-ҳаракатлар гумони бўлса ёки ушбу ҳаракатлар амалга оширилган тақдирда, зудлик билан ёзма шаклда (шу жумладан электрон почта орқали) бир-бирларига хабар бериш мажбуриятини оладилар

## 7. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

7.1. «Бажарувчи» транспорт-техника ва иш кучи харажатларини ЁММ (ёнилғи мойлаш махсулотлари) нархи ўзагариши муносабати билан белгиланган тартибда «Буюртмачи» ёзма равишда олдиндан оғохлантирилиб, кўрсатилаётган хизматлар қийматини ўзгартиришга ҳақлидир.

## 8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

8.1. Хар бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган ҳолда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бўйича жавобгар эмас.

8.2. Хукуматнинг ваколатли органлари ёки бошқа тегишли идоранинг берган гувоҳнамаси ана шундай форс-мажор ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

9.1. Мазкур шартнома 2022 йил 31.12 гача амал қилинади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб тарафлар имзолагандан сўнг ва белгиланган тартибда Ғазначилик тизимидан рўйхатга олингандан кейин кучга кириши ва хар-бир томондан бир нусхадан сақланади.

## 10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

Андижон вилоят «Тоза ҳудуд»  
ДУК Шахрихон туман филиали  
Шахрихон тумани Ёркент кўча  
№45-уй тел: 93 780 70 64  
х/р 20210000200781763019  
«Микрокредитбанк» АТБ  
Андижон вилояти филиали  
МФО: 00078 ИНН: 304937910

Катта Фарғона магистрал канали бошқармаси  
Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний к-си 53-уй.  
Шхв: 100010860304017042402170004  
Шхв: 400110860304017950100170005  
ИНН: 204704887 ОКОНХ: 22100 Тел: 244-67-58  
Молия Вазирлиги Ягона Ғазна ҳисоб вароғи  
х/р: 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент ш. ХККМ  
МФО: 00014 ИНН: 201122919

Филиал раҳбари: \_\_\_\_\_



\_\_\_\_\_ *Ф. Ҳошимов*